Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2 ноябрь, шанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 223 (1475)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш масалаларида уларнинг мустаҳкам ўзаро алоқасини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилсин.

2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги давлат бошқарув органи деб белгилаб қўйилсин ва унинг зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилсин:

суғориладиган ерлар унумдорлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган ягона стратегик сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Республика сув хўжалиги ташкилотларининг, лойиҳа-қидирув, илмий, гидрогеология-мелиоратив, тупроқ-ер тузилиши ҳамда таъмирлаш-қурилиш муассасалари ва корхоналари имкониятларидан ҳар томонлама оқилона фойдаланиш;

мамлакатимиздаги илғор тажриба ва жаҳондаги энг яхши ютуқларни уйғунлаштириб, қишлоқ ва сув хўжалигида ягона илмий-техникавий ва технологик сиёсатни юритиш;

қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини оқилона ташкил этиш мақсадида уларнинг манфаатларини бирлаштириш;

аграр секторда бозор муносабатларини ривожлантириш, фермерлик ҳаракати ва хусусий ташаббускорликни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш, республика ҳудудида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улгуржи ва майда улгуржи бозорларини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибини оқилона ташкил этиш, алмашлаб экиш ва экинларни навбат билан экишнинг мақбул схемаларини жорий этиш, бозор талабларига қараб экин майдонлари таркиби ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини бошқариш;

агросаноат мажмуи ҳолатини таҳлил этиш ва уни ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашё етиштириш ҳамда улар ҳаракатда бўладиган аниқ мақсадни кўзловчи дастур ва балансларини тузиш;

қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини, чорвачиликда наслчилик ишини ва ветеринария хизматини ташкил этиш, уруғлик сифатини, пестицид ва ўғитларнинг қўлланилиши, тупроқ эрозиясининг олдини олиш, ўсимликлар ва ҳайвонлар касалликлари тарқалишини назорат қилиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама механизациялаш, янги турдаги техника, машина ва механизмларни жорий этиш асосида уни интенсивлашни таъминлаш;

ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг барча тоифаларида ер ва сувдан самарали фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш ва назорат қилишни амалга ошириш;

қадимдан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янгилаш, янги ерларни ўзлаштириш, суғоришнинг илғор усулларини жорий этиш чораларини ишлаб чиқиш;

экология муаммолари ва Орол денгизи ҳавзаси муаммоларини ҳисобга олиб, барча сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар манфаатларини кўзлаган ҳолда сув ресурсларини бошқариш;

катта каналлар, йирик сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари ва тизимларини давлат йўли билан бошқариш;

олий ва ўрта махсус таълимни ташкил этиш, фермерларни ўқитиш, ходимларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, агросаноат мажмуи соҳасида давлат кадрлар сиёсатини ўтказиш.

3. Жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ташкил этилсин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳудудий бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ва тегишли ҳудуд ҳокимига бўйсуниши белгилаб қўйилсин.

Вазирлик таркибидаги мавжуд республика ишлаб чиқариш бирлашмалари, корпорациялар ва бошқа ташкилотлар сақлаб қолинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари ер ва сувдан фойдаланиш турларидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш шаклларидан қатъи назар, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар ва муассасалар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амалдаги қонун ҳужжатларини ушбу Фармонга мувофиқлаштириш учун уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини тузишга доир ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун ташкилот қўмитаси тузилсин.

Ташкилот қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш, унинг таркиби, штатлар сони ва вазирлик тўғрисидаги Низом ҳақида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини икки ҳафта муддатда тайёрлаш топширилсин. Қарор лойиҳасини тайёрлаш чоғида икки вазирлик негизида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар учун зарур рағбатлантирувчи шароит яратиши лозим бўлган мутлақо янги бошқарув органи барпо этилиши назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 8 декабрда чиқарган «Ўзбекистон ССР агросаноат мажмуини бошқариш структурасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 107-Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 1 ноябрь.

Бешариқ туманидаги «Рапқон» жамоа хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш билан бирга республикамиз ҳукумати, Президентимизнинг қишлоқни саноатлаштиришга доир Фармон ва кўрсатмалари изчил амалга ошириб келинмоқда. Ҳозир хўжаликда пиллани қайта ишлаш, ип йигириш, гилам тўкиш, тери ошлаш, пойабзал тикиш, мева консервалаш цехлари, кичик корхоналар ишлаб турибди.

Суратда: хўжалик ип-йигирув цехи тўқувчиси Севара Мўминова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ тасвирга олган.

ЎЗБЕКИСТОН АВТОТРАНСПОРТИ – 75 ЁШДА

1 ноябрда республикамиз пойтахтидаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон автотранспортининг 75 йиллигига ва республика автотранспорт ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Байрамона безатилган залда халқ хўжалиги муҳим тармоқларидан бирининг энг яхши вакиллари тўпланди, мамлакатимиз иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан шу тармоқнинг бир маромда ишлашига боғлиқ. Автомобилчиларни табриклаш учун олимлар, мутахассислар, Тошкент жамоатчилиги вакиллари келишган.

«Ўзавтотранс» давлат акционерлик корпорацияси бошқарувининг раиси Лерик Ахметов йиғилганлар ҳузурида сўзга чиқди. У ўлкада автомобиль транспортининг вужудга келиши, тармоқ меҳнаткашлари чоракам бир аср давомида босиб ўтган шонли йўл, тармоқни бозор муносабатларига ўтказиш юзасидан амалга оширилган катта ишлар тўғрисида гапирди. Ҳозирги пайтда республиканинг минглаб юк ва енгил машиналари, шинам автобуслари бўлган умумфойдаланадиган автотранспорти ҳар йили 300 миллион тоннадан ортиқ халқ хўжалиги юкларини, ўнлаб миллион йўловчиларни ташимоқда. Автомобилчилар республикада биринчилар қаторида давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклига — акционерлик, жамоа корхоналари ва хусусий корхоналарга айлантиришга доир ишларни бошлаб бердилар.

Йиғилишнинг бошқа иштирокчилари ҳам транспортнинг бу муҳим турини бозор шароитида янада ривожлантириш тўғрисида гапирдилар.

Тантанали йиғилишда Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этди.

Автомобилчилар кунига бағишланган кеча санъат усталари ва бадиий ҳаваскорларнинг концерти билан ниҳоясига етди.

(ЎзА мухбири).

БОЗОРИ ЧАҚҚОН МАШИНА

Асакадаги «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Дамас» ва «Тико» машиналари Сирдарё вилояти йўлларида тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Вилоят «Автотеххизмат» корхонаси орқали ҳозирдаёқ 230 та шундай автомашина сотилди. Мустақил мамлакатимиз машиналарига бўлган талаб кун сайин ортмоқда. Вилоят маркази ва барча туманларда ташкил этилган автосалонларда янги машиналарни сотиш йўлга қўйилган.

(ЎзА).

СИЗЛАРНИ ҚИЗИҚАРЛИ ЎЙИНЛАР КУТМОҚДА

Маълумки, шу йилнинг декабрь ойида Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича Осиё кубоги учун XI-мусобақалар бўлиб ўтади. Унда Осиё ўйинларининг чемпиони — Ўзбекистон миллий терма командаси иштирок этади. Команда таркибида Миржалол Қосимов, Игорь Шквирин, Азамат Абдураимов, Олег Шацких ва бошқа таниқли футбол усталари бор.

ЎзА мухбирига маълум бўлишича, Ал-Айн шаҳридаги стадионнинг минбарларида туриб Ўзбекистон командасини шахсан қўллаб-қувватлашни истаган юртдошларимизнинг бу юртга сафари ташкил этилади. Уларни Бирлашган Араб Амирликларига шинам авиалайнерда олиб бориш, қулай меҳмонхоналарга жойлаштириш, икки марта овқатлантириш ҳамда мусобақаларга олиб бориш учун автобус хизмати кафолатланади.

Футбол мухлисларини уч, тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналар кутмоқда. Улар яқин шарқдаги энг гўзал мамлакатлардан бири — Бирлашган Араб Амирликларининг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш, тунги балиқ ва қисқичбақа овида, маданий тадбирларда иштирок этиш имкониятига эга бўладилар. Улар Абу Даби ва Дубай сингари гўзал шаҳарларда ўтказиладиган мусобақаларнинг ўзлари истаганини томоша қилишлари мумкин. Лекин энг муҳими — Осиё кубоги ўйинларини бориб кўриш учун жуда кўп буюртмалар олинган Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларнинг футбол мухлислари каби спортчиларимизни руҳлантириш, мусобақалар чоғида уларни қўллаб-қувватлашдир.

Бундан ташқари, ҳар бир сайёҳ лотереяга қўйиладиган учта хорижий енгил машинадан бирини олиш имконига эга. Лотерея ўйини йўлланма рақамлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир футбол ишқибозига футбол майкаси, бош кийим, Ўзбекистон рамзи тушириллган сумкалар берилади. Ўзбекистон футболи шарафини ҳимоя қилишни ўзига фахр деб билган чин футбол ишибозларини бу ватанпарварлик тадбирида фаол иштирок этишга чақирамиз. **Маълумот олиш учун Тошкентдаги қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг: 41-51-51, 41-59-52.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Х. Р. ЖЎРАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Хайрулла Равшанович Жўраев Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 1 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р. А. ГИНИЯТУЛЛИННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Рим Абдулович Гиниятуллин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитаси раиси этиб тайинлансин ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 1 ноябрь.

АНДИЖОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Андижон вилояти деҳқонлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Она-Ватан хазинасига 310 минг тоннадан зиёд пахта етказиб бериб, мамлакатимизда биринчи бўлиб йиллик топшириқни бажардилар.

Бу улкан ғалабага терим давомида карвонбошилик қилган Марҳамат, Избоскан, Шаҳрихон, Булоқбоши, Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Асака туманларининг пахтакорлари айниқса катта ҳисса қўшдилар.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, деҳқонларга республика ҳукумати томонидан кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ва эътибор, тинчосойишта яшаб, самарали меҳнат қилиш учун яратилган шарт-шароит бу ютуқларнинг асосий омили бўлди.

Мамлакатимиз пахтачилиги тарихига «андижонча усул» номи билан кирган чигитни плёнка остига экиш тажрибаси ўзини тўла оқлаганлиги Андижон деҳқонларининг ана шу ишонч ва ҳурматга қайтарган амалий жавобидир. Пахтачилигимиз истиқболини белгиловчи бу усулни келгусида республикада кенг жорий этиш мўлжалланмоқда.

Вилоятда ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлидаги ишлар ҳам самарали бўлаяпти. Ўтган йили ҳар гектар ердан 44 центнердан буғдой ҳосили олинган бўлса, бу йил ҳосилдорлик 51,1 центнерга етди. Келгуси йили вилоят бўйича 60 центнердан ғалла ҳосили олиш учун пухта замин яратилмоқда.

Вилоятда иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам сезиларли натижаларга эришиляпти. Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида чиқарилаётган уч хил русумдаги замонавий автомобиллар барча юртдошларимиз учун фахр бўлиб қолди.

Андижон аҳли қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлашга одатланган. Пахтакорлар ҳосилнинг сўнгги мисқолларигача нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун курашни қизғин давом эттирмоқдалар. Айни пайтда келгуси хўжалик йили учун мустаҳкам замин ҳозирланмоқда.

(ЎзА).

МУХОЛИФАТЧИЛАР КОНСТИТУЦИОН СУДГА ИШОНИШМАЯПТИ

Арманистон миллий ўзлигини белгилаш иттифоқи раҳбари Паруйр Айрикян конституцион суд 22 сентябрь куни бўлиб ўтган президентлик сайловлари натижаларини бекор қилиб, мухолифатчилардан номзод Вазген Манукян фойдасига қарор чиқаради, деб умид билдирди.

Бу ҳақда «Ноян Тапан» агентлиги хабар тарқатди. «Судга ишониш керак эмас, чунки у мустақил эмас», деб баёнот берди Фан-саноат ва гражданлик иттифоқи раҳбари Сурен Золян. Золяннинг фикрича, Арманистонда инсон ҳуқуқларини бузилишини олдини олишда суд ҳеч нарса қила олмайди. Шу боис, мамлакат раҳбариятини сайловлар ўтказиш йўли билан алмаштириб бўлмайди.

РАҲБАРЛАР ЎЗГАРИШДИ

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев фармони билан, Бош вазир ўринбосари Гарри Штойк ўз вазифасидан озод қилинди.

Саноатга раҳбарлик қилаётганлардан бири бўлган Дюсембай Дусейнов худди шу лавозимга тайинланди. Назарбоев Болташ Турсумбоев ўрнига Бексултон Сарсековни ҳавфсизлик кенгаши котиби лавозимига тайинлади. Назарбоев, шунингдек, ижро ҳокимиятини қайта тузиш ҳақида фармон чиқариб, бир қанча давлат қўмиталарини, шунингдек, МДҲ давлатлари билан ҳамкорлик бўйича давлат қўмитасини ҳам тарқатиб юборди. Бу ҳақда «Озод Европа» ҳамда «Озодлик» радиолари хабар тарқатишди.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ АЙБЛАНМОҚДА

Польша давлат ҳавфсизлик хизмати собиқ Президент Лех Валенсани махфий ҳужжатларни қонунсиз равишда олиб қўйганликда айблади.

Бу ҳақда Польшанинг кундалик газеталари хабар беришди. Валенса бу ҳужжатларни Президентлик лавозимида турган пайтда олган. Ўтган йили декабрь ойида президентлик ваколатини топширгандан сўнг мазкур ҳужжатларни қайтариб бермаган. Валенса эса ҳеч қандай махфий ҳужжатлар унинг қўлида қонунсиз равишда сақланмаётганлигини билдириб, ушбу айбни рад этди.

БУЮК БРИТАНИЯ АЛБАНИЯ ОЛТИННИНИ ЭЛЛИК ЙИЛДАН КЕЙИН ҚАЙТАРМОҚЧИ

Умумий қиймати 19 миллион доллар бўлган 1,5 тонна олтинни Буюк Британия Албанияга қайтариб беришга рози бўлди.

Бу олтин Иккинчи жаҳон уруши даврида натцислар томонидан Албания марказий банкидан ўғирланиб, Англия банкида сақланаётган эди.

Олий Мажлис қўмиталарида

ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА ҲАМ ҚОНУНЛАР ЯРАТИШНИ РЕЖАЛАШТИРГАНМИЗ

Мамлакат тараққиёти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни қай даражада чуқурлаштириш билан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис Президентимиз бу ҳақда халқ депутатлари Жиззах ҳамда Сирдарё вилояти кенгаши сессияларида гапириб, ҳақли талаб ва вазифаларни ўртага ташладилар. Модомики шундай экан бунинг учун энг аввало унинг ҳуқуқий заминини яратиш лозим. Хўш, Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси бу борада қандай ишларни амалга оширмоқда? Қўмитанинг келгусидаги вазифалари нималардан иборат? Мухбиримиз мазкур қўмита котиби Пўлат ШАРОПОВга ана шундай саволлар билан мурожаат қилди.

— Қўмитамиз қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмини шакллантириш мақсадида 1996-99 йилларга мўлжалланган аниқ фаолият дастурини ишлаб чиқиб, ана шу асосда иш олиб бормоқда. Қўмита дастури икки қисмдан иборат: қонунчилик ҳамда назорат-таҳлил фаолияти.

Биз дастлабки фаолиятимизда қишлоқ хўжалигининг асосан умумий йўналишлари бўйича қонунлар мажмуасини яратдик, десак хато қилмаган бўламиз. Энди аниқ соҳа ва тармоқлар бўйича қонун лойиҳалари устида иш олиб бормоқчимиз. 1997 йил давомида «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва зararсизлиги тўғрисида»ги, «Алмашлаб экиш тўғрисида»ги ҳамда «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонун лойиҳаларини тайёрлашни режалаштирганмиз. 1998 йилнинг биринчи ярмида «Пахта тўғрисида»ги, «Дон тўғрисида»ги, иккинчи ярмида «Агросаноат мажмуини бошқариш тизимининг тузилиши тўғрисида»ги қонун лойиҳалари устида иш олиб борамиз. 1999 йилда эса «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва минерал ўғитларни қўллаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлашни мўлжаллаяпмиз. Бундан ташқари ана шу муддат давомида давр ва шароит тақозосига кўра айрим қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ёки янги қонунларга эҳтиёж туғилишини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак.

Маълумки, қўмитамиз томонидан қисқа муддат давомида ўндан зиёд қонунлар тайёрланиб, тасдиқланди. Табиийки, эндиликда унинг жойлардаги ижросини назорат-таҳлил қилишимиз лозим. Ана шу мақсадда 1996-1999 йиллар давомида «Уруғлик тўғрисида»ги, «Ўсимликлар каронтини тўғрисида»ги, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер солиғи тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларнинг вилоятлардаги ижросини навбатма-навбат назорат-таҳлил қилишни режалаштирганмиз.

«Халқ сўзи»нинг парламентдаги мухбири Исмат ХУДОЁРОВ ёзиб олди.

Бугуннинг гапи

КЕЛГУСИДА ЭСА 25 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН ОШАДИ

Бунга қандай қилиб эришилмоқда? Кейинги йилларда сабзавот экиладиган майдонлар қисқарди, маҳсулот етиштиришчи? Деҳқончиликнинг бу тармоғида ҳам хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилинаяптими? Умуман, мамлакатда сабзавот ва мевачиликнинг истиқболлари қандай?

Мухбиримиз «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси раиси Баҳром НОСИРОВГА ана шу саволлар билан мурожаат этди. Қуйида унинг жавобини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Республикада мева ва сабзавот етиштириш қандай аҳволда эканлигини таҳлил этишдан аввал собиқ иттифоқ давридаги тартибни кўз олдимизга келтирайлик. У пайтларда «Иттифоқ фонди» деган гаплар бўларди. Бу фондларга маҳсулот жўнатиш юқоридан мажбурий белгилаб қўйиларди. Аммо унинг пули ҳамма вақт ҳам тўланавермасди. Ёки тўланганда ҳам кўпинча, ҳатто, таннархни қопламасди.

Бунинг устига қатъий режа асосида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг ҳаммаси ҳам истеъмолчига ва қайта ишлаш корхоналарига етиб бормас эди. 30-40 фоизи дала ва боғларда, марказ ва қардош республикаларга транспортда ташиш чоғида неснобуд бўлиб кетарди. Бунинг асосий сабабларидан бири хўжалик ҳам, деҳқон ҳам ўзи етиштирган маҳсулотга тўла эгалик қилолмагани, яхши ишлаган ҳам, ёмон ишлаган ҳам бир қолипга солиниб, тенглаштирилгани эди. Оқибатда боқимандалик кайфияти пайдо бўлди. Бунга кўпроқ туман ва хўжалик раҳбарлари кўникиб қолдилар. Ана шу иллатнинг асоратидан айримлар ҳанузгача халос бўлолмаяптилар.

Аммо мустақиллик шарофати билан бошланган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аввало қишлоқ хўжалигидаги иш тутимини тубдан ўзгартиришга киришилди. Хўжаликлар давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилгач, фақат бизнинг соҳамизда 2800 та фермер (деҳқон) хўжалиги ташкил топди. 2000 гектарга яқин майда боғ ва токзорлар хусусийлаштирилиб, соҳибкорларга сотилди. Шу тариқа ер ўзининг ҳақиқий эгасини топмоқда. Хўжаликлар қайси турда ва қанча маҳсулот етиштиришга оид иш режаларини истеъмолчилар билан тузиладиган контрактация шартномалари асосида белгиланмоқда. Энди жамоа, ижара, ширкат ва фермер (деҳқон) хўжаликлари ўз маҳсулотларининг нарх-навосини эркин ҳолда белгилайдиган бўлиб, нобудгарчиликка қатъий чек қўйиш, сифатли маҳсулот етиштириб, қимматроқ баҳоларда сотиш орқали кўпроқ даромад кўришга ҳаракат қилмоқдалар.

Эндиги муҳим вазифа шуки, биз уларни ўз меҳнатларининг пировард натижасидан моддий манфаатдор бўлишга қизиқтиришимиз, рағбатлантиришимиз ва шу тариқа уларда қўникма ҳосил қилишимиз лозим. Маҳсулот етиштираётган ҳар бир хўжалик, корхона ва фермер (деҳқон) харидорни ўзи мустақил танласин, нархини ўз мўлжалига тўғри келадиган баҳода белгиласин. Бунинг учун улар ўз ишларини фақат шартномалар асосида ташкил этиб, Президентимиз қатъий талаб этаётганидек, ўша шартнома шартларининг ҳар бир бандига бутун фаолиятлари давомида қатъий амал қилсинлар.

Биз хўжалик ва қайта ишлаш корхоналарига маркетинг хизматини иложи борича яхшилашга ҳаракат қилмоқдамиз. Уларнинг маҳсулотларини ташиб бериш, сотиш жараёнида енгиллик яратиш мақсадида «Ўзагротранс» акционерлик компаниясини туздик. У янги, замонавий «Мерседес» юк транспорти воситалари билан таъминланган ва ҳозир деҳқонларга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Эндиликда вилоятлардаги кўпгина хўжаликларда экологик тоза ва юқори сифатли маҳсулотлар етиштириш мақсадида махсус бригадалар тузилган. Бу маҳсулотлар билан аввало, республика аҳолисининг эҳтиёжи қондирилади, қолаверса, хорижий мамлакатларга валютага сотишга мўлжалланган. Бу борадаги ягона камчилик шуки, экспорт қилиш учун жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган, харидорларни ўзига ром этадиган бежирим ва чиройли қадоқлаш идишлари йўқ. Бу муаммо яқин келажакда ҳал этилиши керак. Бунинг учун ўзимизда чиройли ва енгил картон идишлар тайёрлашни йўлга қўйишимиз лозим бўлади.

Яна бир муҳим муаммо кўпгина турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олиш жараёнларининг механизациялашмаганлигидир. Шу боис мева-сабзавотчилик тармоғидаги асосий ишлар ҳамон қўл кучи билан бажарилмоқда. Хўжаликларнинг молиявий аҳволи оғирлиги сабабли зарур машина ва механизмларни, эҳтиёт қисмларни сотиб олишга қурблари етмаяпти. Бу муаммони тезроқ ҳал этиш учун республикада арзон, ихчам, қулай ва узоқ муддатга чидайдиган қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Ёки иқтисодий жиҳатдан ўзини оқласа, ҳозирча хорижий мамлакатлардан келтириш лозим.

Ҳақиқатдан ҳам кейинги йилларда сабзавот майдонлари бирмунча қисқарди. Бунинг ўрнини тўлдиришнинг бирдан-бир тўғри йўли ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, шунингдек, нобудгарчиликка бутунлай барҳам беришдир. Ана шунда ҳам мамлакат аҳолиси, ҳам қайта ишлаш корхоналарининг эҳтиёжларини қондириш, ҳам хорижий мамлакатларга сотиш орқали давлат бюджетини валюта билан бойитиш имкони туғилади. Бунинг учун уруғчиликка бўлган, ҳозирги ўзибўларчилик муносабатини тубдан ўзгартириш, янги серҳосил навларни яратиб, уларни кўпайтириш ва бутун мамлакат бўйлаб жорий этиш лозим. Бу қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган олим ва мутахассисларнинг биринчи навбатда қилишлари лозим бўлган муҳим вазифаларидир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозир ҳам дала ва боғларда етиштирилаётган ҳосилнинг бир қисми турли касаллик ва ҳашаротларнинг хуружи натижасида беҳуда нобуд бўлмоқда. Олим ва мутахассисларимиз бу муаммо устида ҳам жиддий иш олиб боришлари ва экологик тоза дориларнинг яратишлари лозим.

Биз республика аҳолисини иккинчи нонимиз бўлган картошка билан таъминлашга катта эътибор бермоқдамиз. Хўжаликларни уруғлик картошка билан тўлиқ таъминлаш мақсадида уюшмамиз тизимида «Ўзкартошка» фирмаси ташкил этилди. Яқин йиллар ичида республикамиз ўзининг уруғлик ва егулик картошкага нисбатан эҳтиёжини ўзи тўла қондирадиган бўлади.

Мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналаримиз ўз маҳсулотларини илгари асосан Россияга ва қисман қардош республикаларга жўнатарди. Хорижий мамлакатларга мева-сабзавот консервалари умуман сотилмаган. Негаки, кўпгина консерва заводларининг технологик линиялари ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан эскириб кетган. Бундай корхоналарда экспортбоп, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариб бўлмайди. Шунинг учун чет эл фирма ва компаниялари билан алоқа боғлаб, ҳозиргача корхоналаримизда импорт линиялар ўрнатилмоқда. Шунингдек, хорижий фирмалар билан тузилган «Маск», «Фарител», шампан виноси ишлаб чиқарадиган «Паркет-шароб», қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган «Кон-вин», қадоқлаш идишлари тайёрлашга ихтисослашган «Азия-тара», вино-ароқ чиқарадиган «Ян-апра» қўшма корхоналари ишлаб турибди. Яқинда Наманганда ишга туширилган «Янис JV» (Испания) қўшма корхонаси жаҳон бозори талабига жавоб берадиган газли вино ишлаб чиқара бошлади. Булар ва ҳозирда жорий этилаётган янги технологиялар хорижга маҳсулот сотишни кўпайтириш имконини беради.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. «У ёки бу юртнинг бойкамбағаллигини билмоқчи бўлсанг, бозорига бор» дейишади. Ўзбекистон бозорлари қўшни мамлакатлардагига нисбатан ҳар доим сархил ва арзон мева-сабзавотларга тўлиб-тошган бўлади. Бозорларимиз шарқона усулда жадал қайта қурилиб, бир неча баробар кенгайтирилаётганига қарамай, барибир маҳсулотлар пештахталарга сиғмай қолаяпти. Бунинг сабаби шахсан юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан тадбиркорлар ишбилармон деҳқон ва соҳибкорларга катта қулайлик ва енгилликлар яратиб берилаётганлигидир. Шу туфайли эндиликда ўзимизнинг ички бозорларда ҳам холис рақобат пайдо бўла бошлади. Харидорлар ўнни кўриб, бирини танламоқдалар.

Бундай қувончли ўзгаришлар мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилаётир. Чунончи, бу йил биз 15,1 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қиламиз. Тўғри, бунинг бир қисми МДҲ мамлакатларига сотилади. Истиқбол эса янада қувончли. Масалан, келгуси йили экспорт миқдори 25 миллион доллардан ошади.

Суҳбатни «Халқ сўзи» газетасининг қишлоқ хўжалик бўйича шарҳловчиси А. ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.





«Шаҳрихон» кўп тармоқли хусусий фирмаси аҳолига савдо, умумий овқатланиш ҳамда маиший хизмат курсатиш борасида сезиларли ютуқларга эришмоқда. Фирмага қарашли супермаркет дўкони, тикувчилик цехи, ошхона, тўйлар, юбилей ва бошқа маросимлар ўтказиш зали аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келаётир. Тикувчилик цехида эса меҳнаткашлар буюртмаларига кўра кўйлак ва шимлар, болалар кийимлари тикилмоқда. Ташаббускор ва жонкуяр ишбилармон Ботиржон Мирзаматов раҳбарлигидаги фирма фаолиятидан мижозлар жуда мамнун.

Суратларда: тикувчи Нилуфар Нуралиева;
Фирма супермаркетининг ташқи ва ички кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ тасвирга олган.

ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ – БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси болалар бадиий ижодиёти республика маркази билан ҳамкорликда «Олимпиада ўйинлари — болалар нигоҳида» кўргазма-танловини ўтказди. Кўргазмага марказнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент вилоятлари ва пойтахтдаги ижодий студиялари қатнашчиларининг 300 дан ортиқ асари қўйилди.

Тошкентдаги олимпия шоншуҳрати музейида ташкил этилган якунловчи босқичда эса республикамизда кенг тарқалган спорт турларини акс эттирувчи юзга яқин расм намойиш қилинди.

Таниқли спортчилар, мўйқалам усталари, жамоатчилик вакиллари иштирок этган бу кўргазмани Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг президенти С. Рўзиев очди. Қишки олимпия ўйинлари чемпиони Л. Чирязова, Ўзбекистон халқ рассоми А. Мирзаев ёш рассомларни ижодий муваффақият билан табрикладилар. Танлов якунига кўра тошкентлик ҳаваскор рассомлар — Т ёшли Сардор Жумаев, 11 ёшли Анастасия Кобзева 16 ёшли Музаффар Ҳайитметов «Спорт турлари» туркум асарлари учун биринчи ўринга сазовор бўлди. Сурхондарёлик Фахриддин Акабоев ҳалқаро Амир Темур жамғармасининг махсус совринини қўлга киритди. Барча ғолиб ва совриндорларга Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Маданият ишлари вазирлигининг мукофот ва совғалари топширилди. Уттизта энг яхши асар Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги Олимпия музейида ташкил қилинадиган халқаро кўргазмада намойиш этиш учун танлаб олинди.

(ЎзА)

Мардлар қўриқлайди Ватанни

САМО ЛОЧИНИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан Ватанни ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилиги ва мардлиги, Ўзбекистоннинг мудофаа қудратини ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссалари учун бир гуруҳ ҳарбийлар Ватанимизнинг юксак орден ва медалларига сазовор бўлишди. «Шон-шавкат» ордени билан мукофотланганлар орасида полковник Қадам Вафоев ҳам бор эди.

У Сизран Авиация учувчилар олий ҳарбий билим юртини 1971 йил муваффақиятли тамомлаб, 1986 йилга қадар Тинч океани флотининг Ҳарбий Ҳаво Кучларида -- корабль вертолётлари экипажининг командири, корабль вертолётлари отряди командири, корабль вертолётлари авиация эскадрильяси командири, корабль вертолётлари авиация полки командирининг ўринбосари, 1986 йилдан буён эса Қора денгиз флоти авиация полки командирининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилди. 1993 йил июнь ойидан ҳозирга қадар Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида -- Ҳарбий Ҳаво Кучларининг қисм командири лавозимида юксак масъулиятлилик ва фидойилик билан хизмат қилиб келмоқда.

...Мустақил Ўзбекистонимиз ҳудудий яхлитлиги, халқимиз тинч-осойишталиги -- давлатимиз миллий хавфсизлиги кафолати бўлган Қуролли Кучларимиз ислоҳотининг биринчи босқичи жадал суръатлар билан бораётган, бу борада улкан ташкилий тадбирлар амалга оширилаётган пайт. Ушбу долзарб масалалар ҳал этилаётган даврда барча қатори полковник Қадам Шарипович Вафоев олдида ҳам масъулиятли, шу билан бирга шарафли вазифа турарди. Етук малакали мутахассис зобитга авиация қисмига етакчилик қилиш, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини мукаммал ҳолатга келтириш топширилганди.

Чорак асрлик жанговар меҳнатда тобланган, 9000 маротаба парвоз қилган, 9 хил вертолёт бошқарувини ўзлаштирган, ҳозирда Ўзбекистон Қуролли Кучларида энг тажрибали зобит ҳисобланган снайпер-учувчи ушбу топшириқни тўла масъулият билан қабул қилди. Уни бажаришга давр талабини, ўз олдида турган вазифанинг Қуролли Кучларимиз мудофаа қудрати салоҳиятини оширишдаги аҳамиятлилиги кўламини қалбан идрок этган ҳолда ёндашди.

Қисм командирининг олдида кўндаланг бўлиб турган долзарб муаммолардан бири тартиб-интизом масаласи эди. Бунинг авиациядаги аҳамияти эса янада юксак ва муҳим эканлигига полковник Қ. Вафоев бутун хизмат фаолияти давомида бевосита шоҳид бўлган. Зеро, мураккаб бошқарувли замонавий самолёт ва вертолётлар жиловдори бўлиш, уларга сифатли техник хизмат кўрсатиш учун пухта билим ва малака зарур. Бунга тўла эришиш эса қатъий тартиб интизомлилик мевасидир.

Шунинг учун ҳам тажрибали зобит бутун диққат-эътиборини энг аввало ушбу муаммони ҳал қилишга жалб этди. «Тартиб-интизомлилик -- аъло хизмат негизи» шиори остида пухта ишлаб чиқилган қатор тадбирлар собитқадамлик билан амалга оширилди. Жумладан, шахсий таркибнинг хизмати ва дам олиши учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё этилди. Ҳар бир ўқув машғулотининг қатъий режа асосида ўтказилиб борилиши доимий назорат остига олинди. Маҳаллий ҳокимият, давлат ва жамоат ташкилотлари билан узвий алоқалар ўрнатилди. Улар иштирокида тартиб-интизом, она-Ватанга меҳр-муҳаббат, бурчга содиқлик мавзулари бўйича мунтазам давра суҳбатлари, турли учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилди. Низомга хилоф ҳаракатларга батамом чек қўйилди. Қисм бўйича юз фоиз тартиб-интизомлиликка эришилди. Ҳозирда шахсий таркиб орасида аввалларги баъзан учраб турадиган қисмни ўзбошимчалик билан тарк этиш ҳолларига барҳам берилган.

Албатта, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш тадбирлари алоҳида эмас, балки қисм олдида турган барча ташкилий масалалар билан биргаликда, бир бутунликда олиб борилди. Зеро, касбий тайёргарликка бўлган эътибор ҳам қиёсан долзарб ва устувор эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳоратли зобит-командир энг аввало қисмнинг ўқув моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун интилди. Моҳир учувчи-зобит қиёсан қисқа вақт ичида ўқув машғулотларининг сифат жиҳатдан унумдорлигини оширишга эришди.

Амалга оширилган ушбу ва бошқа фидойи меҳнатлар шарофати туфайли қисм тўла шаклланди, шахсий таркиб сафи малакали мутахассис зобит ва прапоршчиклар билан тўлдирилди. Мавсумий ўқув машғулотларда қисм посбонлари аъло натижаларни забт этиб, юқори хизмат кўрсакичларига эришдилар.

Жиззах авиация олий билим юрти бир гуруҳ курсантларининг айнан мазкур қисмда таълим олаётганликлари ҳам бу ерда касб маҳоратини такомиллаштириш аъло даражада йўлга қўйилганлигидан яна бир ёрқин далолатдир. Ҳозирда қисмда олий билим юртининг бир гуруҳ курсанти учувчилик сир-синоатларини қунт билан ўзлаштирмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги мустақил парвоз қилмоқда.

Маълумки, давр билан ҳамнафас Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби ҳам тарихий сана -- мустақиллигимизнинг беш йиллиги, Амир Темурнинг 660 йиллик қутлуғ айёмига бағишланган улкан тайёргарлик тадбирларини амалга оширдилар. Она-Ватанга меҳр-муҳаббатли, ўз муқаддас бурчига содиқ посбонлар жанговар, ижтимоий-сиёсий ва бошқа ўқув машғулотларда зўр уюшқоқлик билан қатнашиб, аъло ютуқларини тўйга тўёна қилдилар. Жангчилар ушбу улуғ байрамни мустаҳкам тартиб-интизом, юксак жанговар маҳоратлилик ила қаршиладилар.

Юқорида таъкидланган хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига биноан мустақиллигимиз беш йиллиги муносабати билан Ватанни ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилиги ва мардлиги, Ўзбекистоннинг мудофаа қудратини ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ҳуқуқ-тартибни таъминлашдаги катта хизматлари учун бир гуруҳ зобитлар қатори полковник Қадам Вафоев ҳам II-даражали «Шон-шафкат» ордени билан тақдирланди. Ўз навбатида унинг қўл остидаги бир қатор зобит ва прапоршчиклар, сержант ва оддий аскарлар ҳам қисм командири буйруғига биноан рағбатлантирилди.

Улкан ишончи шараф билан оқлаган полковник Қ. Вафоевнинг хизматлари ўрнак қилиб кўрсатса арзигуликдир. Ватан у каби содиқ ўғлонлари хизматини унутмайди ва улар билан фахрланади.

Шуҳрат ИКРОМОВ,
ҳарбий журналист.
Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

— Мен собиқ эримдан икки нафар фарзандимиз учун алимент оламан. Лекин у иш жойидан ташқари томорқасидан ҳам катта даромад қилади. Ундан қўшимча алимент олиш мумкинми?

Р. НАСРУЛЛАЕВА
Самарқанд вилояти.

Сиз Ўзбекистон Республикаси Никоҳ ва оила кодексининг 102-моддасига биноан у яшаб келаётган туман судига ёзма даъво ариза беришингиз керак. Суд қарор чиқариб, томорқа еридан олаётган даромадидан ҳам қўшимча алимент ундириб беради.

* * *

— Юқори қаватдаги қўшнимнинг ваннасидан сув тошиб, уй деворларига зарар етказди. У таъмирлаб беришдан бош тортаяпти. Нима қилишим керак?

Р. ЮСУПОВ,
Тошкент вилояти.

Сиз яшаб келаётган ҳудудга қарашли уй-жой бошқармаси ходимлари ва бир неча гувоҳ иштирокида уйингизга етказилган зарарни қоплашга доир акт тузиш лозим бўлади. Сарфланажак маблағ ҳисоб-китоб қилиниб, ўзингиз яшаб келаётган туман судига даъво ариза билан мурожаат қилишингиз керак. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 479-моддасига ва Уй-жой кодексининг 168-моддаларига асосан суд уйингизни таъмирлаш учун тегишли қарор чиқариб беради.

* * *

— Менинг меросхўрлик ҳақидаги ишимни туман суди кўриб нотўғри қарор чиқарди. Мен ҳақиқий меросхўр эдим. Бошим қотиб қолди...

Ш. ТИЛЛАХЎЖАЕВ,
Хоразм вилояти.

У ҳолда сиз бу тўғрида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 310, 333-моддаларига биноан қайтадан кўриб чиқиш учун назорат тартибида вилоят судига шикоят ёзишингиз мумкин.

* * *

— Кўпинча автобус ҳайдовчилари ўз манфаатларини ўйлаб кўп даромад оладилар. Уларга нисбатан бирор-бир жазо белгиланганми?

У. МИРЗАЕВ,
Сурхондарё вилояти.

Бу тўғрида Ўзбекистон Республикасининг яқинда қучга кирган янги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 141-моддасида кўрсатилганки, ҳайдовчи корхона, муассаса ва ташкилотларнинг автомашинасини ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ишлатса, унга энг кам иш ҳақининг 2 дан то 5 каррасигача жарима солинади.

* * *

— Мен 1992 йил қонуний ЗАГСдан ўтган ҳолда турмушга чиққан эдим, лекин орамизда жанжал чиқиб, 1996 йили суд орқали ажрашдик. Ота-онамникига қайтиб келиб рўйхатдан ўтиш учун С. Раҳимов туман паспорт бўлимига бордим. Аммо улар мана 6 ойдан буён сарсон қилиб паспортимни рўйхатдан ўтказишмаяпти.

М. УСМОНОВА,
Тошкент шаҳри.

Сиз ота-онангизнинг уйида туғилиб, у ерда доимий рўйхатда турган ҳолда турмушга чиқиб, сўнг эрингизнинг уйига паспортни рўйхатга қўйишингиз лозим. Агар суд орқали ажрашган бўлсангиз, яна ота-онангиз яшаб турган уйга рўйхатдан ўтишингиз мумкин.

Туман паспорт бўлими сизни қонуний равишда рўйхатдан ўтказмаган ҳолса, у ҳолда сиз уларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодексининг 264-моддасининг I банди билан мансабдор шахслар ўз вазифасини суиистеъмол қилганлиги ҳақида туман судига ёзма равишда даъво ариза беришингиз керак. Бу ишда сизга суд тўлақонли кафолатли ёрдам беради.

Саволларга ҳуқуқшунос
З. МУҲАММАДЖОНОВ жавоб берди.

Иқтисодиёт чорраҳаларида

ШОВОТ ПОДШИПНИК ЗАВОДИ

1996 йилдан бошлаб республикамизга хориждан келтириладиган технологик ускуналар сони яна биттага камайди. Шовот туманида ишга туширилган йирик подшипник заводи бу борадаги ортиқча сарф-харажат ва ташвишларга чек қўйди. Корхонанинг дастлабки навбати йилига ўртача 1,5 миллион дона подшипник ишлаб чиқариш қувватига эга. Унинг иккинчи ва учинчи навбатлари фойдаланишга топширилгач, бу миқдор уч бараварга ортади.

Подшипник техника ва транспорт воситалари учун сув билан ҳаводек зарур ускуна. Шу боис, республикамизда унга талаб ошиб бораётир. Яқин вақт гача бу эҳтиёт қисм Россиядан валютага сотиб олинганини назарда тутсак, Шовот корхонасининг иқтисодий аҳамияти ўз-ўзидан ойдинлашади. Бу ерда йилига 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш, соф фойда миқдорини 70 миллион сўмга етказиш мўлжалланмоқда. Заводга ўрнатилган замонавий ускуналар ва дасттоҳларни чехиялик ва словакиялик машинасозлар етказиб беришди. Хорижий технология—маҳсулот сифатига ишончли кафолат. Айни кунда хомашё таъминоти масаласи ҳал этилмоқда. Уни икки томон учун ўзаро мақбул шартлар асосида россиялик металлурглар етказиб беришади. «Ўзтаъминоттаъмир» ассоциацияси, «Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи» бирлашмаси корхонага ҳозирданоқ йирик миқдордаги буюртмалар билан мурожаат қилди.

Шовот подшипник заводи истиқбол сари дастлабки одимларни ташламоқда. Энг муҳими, бир неча юз киши бу ерда доимий иш ўрнига эга бўлишди.

ҚЎЛИ ГУЛ ЧИЛАНГАР

«Йўлқишлоқмашсервис» Хоразм минтақавий маркази чилангари Юсуф Маҳмудовнинг бўш вақти ҳам, иш вақти ҳам бекор ўтмайди. Уни доимо машина ва механизмлар ёнидан топасиз. Кўп пайтини уларнинг қисм ва муруватларини мукаммаллаштириш, камчиқим ясаш йўлларини излашга сарфлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида машина ва ускуналарни ўйлаймай-нетмай сотиб олавериш даврида кўпам наф йўқ. Боз устига бундай чиқимлар учун маблағ топиш ҳам амри маҳол. Хуллас, мавжуд машина-трактор парклари бутлаш, ускуналаш, янгилаш жиддий муаммога айланган бугунги кунда ихтирочи Ю. Маҳмудов ақлу-идроки ва истеъдодини ишга солиб, кўпчилик ҳурматини қозонаяпти. Унинг таклифи билан турли русумдаги йўл текислаш ва хашак тракторларининг бурилиш цилиндрларини шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Эндиликда уларни четдан сотиб олишга ҳожат йўқ. Мутахассислар Юсуф ака ҳамда унинг шогирдлари ясаётган цилиндрлар хорижникидан асло қолишмаслигини таъкидлашди. Дастлабки мингга яқин деталлар таъмирлаш учун келтирилган машина ва механизмларга ўрнатилди.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бир хат изидан

«МЕН ШИКОЯТЧИ ЭМАСМАН»

Чортоқ тумани раҳбарларидан Собиржон Мадалиев ҳақида сўраганимизда «Ҳа, короскон-лик шикоятчими, унинг ёзмаган жойи қолмаган», дея хушламай жавоб беришди. Маҳаллий раҳбарларнинг гап-сўзларига қараганда С. Мадалиевни бўлар-бўлмас нарсаларни ёзаверадиган шикоятчига, яъни ёмон отлиққа чиқариб қўйиш ҳеч гап эмас. Биз масалани ҳолисона ўрганиш мақсадида Короскон қишлоғида бўлиб, у билан учрашдик.

— Тўрт нафар фарзандим билан онам қарамоғида яшайман. Ўз уй-жойим бўлмаганидан қийналиб кетдим. Ҳовлига кириб, яшаш шароитимизни кўринглар, — деди Собиржон ва бизни ичкарига таклиф қилди.

Бу ердаги аҳвол шикоят хатида ёзилганидан ҳам ачинарлироқ эди. Дўппидай ҳовлида уч хўжалик истиқомат қиларкан. Ҳовлидан С. Мадалиев оиласига (улар 6 жон) кўча эшикдан кираверишдаги бир уй ва даҳлиз теккан. Озиқ-овқат турадиган омбор, ошхона, ётоқхона ҳам мана шу икки кичик хонадан иборат. Уйга кирадиган йўлакдан бошқа ортиқча жой йўқ. 30 ёшли укаси ҳам улар билан бирга яшар экан.

— Уй-жой қуриш учун ер участкаси сўраб 1991 йили ариза берганман, — дейди С. Мадалиев. — Шундан буён бормаган жойим, мурожаат қилмаган идораю вазирликлар қолмади. Ёзган аризаларим йиллаб натижасиз қолиб кетди. Ниҳоят шу йили республикамиз Президенти девонига хат ёзишга мажбур бўлдим. Шундан сўнг туман раҳбарлари ҳаракатга тушиб қолишди...

Лекин мутасаддилар масалани ижобий ҳал қилишга шошилишмади. С. Мадалиевга қишлоқ четидан, жар ёқасидаги тошлоқ, устидан юқори кучланишли электр линияси ўтган жойдан ер участкаси олишни таклиф қилишди. Албатта, Собиржон бунга рози бўлмади. Ва яна юқорига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Шундан сўнггина бу оилага сувли ердан тўрт сотих ер участкаси ажратиб берилди.

«Ўзбекистон мустақиллиги беш йиллиги» номидаги жамоа хўжалиги раиси Саидусмон Тошбоев ва «Короскон» қишлоқ маҳалла кенгаши оқсоқоли Неъматжон Турсунов ҳамда туман мутасадди раҳбарлари «Мана кўриб турибсиз шикоятчининг аризаси қондирилиб, масала ижобий ҳал қилинган» қабилида иш тутмоқчи ва бу масалани ўзларидан осонликча соқит қилмоқчи бўлишди. Уларнинг одамлар тақдирига бундай муносабати бизни ажаблантирди. Ҳолбуки, Короскон қишлоғида, умуман туманда ер участкаси ололмай, 1991 йилдан буён сарсон бўлиб юрган биргина Мадалиевлар оиласи эмас экан... Зеро маҳаллий ҳокимликдагилар оддий халқнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун жон қуйдиришлари, одамларнинг дарди, ташвиши, қувончига шерик бўлишлари лозим эмасми.

Афсуски, Чортоқ тумани раҳбарлари буни унутиб қўйишмоқда. Шу боис одамлар ўртасида норозилик, юқори идораларга шикоятлар тўхтамаяпти. Бунинг боиси одамларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисидаги тегишли фармон ва қарорларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилаётганлигидир.

Фикримизнинг далили сифатида шикоят хатида келтирилган яна бир муаммога эътиборингизни қаратамиз. Унда болаларга берилиши лозим бўлган нафақа пуллари йиллаб ўз эгаларига етиб бормаётгани тилга олинган. Жумладан, С. Мадалиевнинг турмуш ўртоғи Комила Мадалиева Чортоқ тикувчилик ҳиссадорлик жамиятида тикувчи бўлиб ишлайди. Ҳозир ёш болаларини тарбия қилмоқда. У тўрт нафар боласига шу ердан нафақа пули олиши лозим. Лекин...

— Болаларнинг пулини олиш учун хотинимнинг ишхонасига бораверib чарчадим. Ҳар гал «пул йўқ» деган бир хил жавоб беришади. Болаларимизнинг 1995-1996 йиллардаги нафақа пулларини ҳалигача ололмадик, — дейди С. Мадалиев.

Биз бу масалага ҳам ойдинлик киритиш мақсадида тикувчилик ҳиссадорлик жамиятида бўлдик.

— Тўғри, маблағ йўқлиги сабабли болаларнинг нафақа пулини ўз вақтида беролмаяпмиз, — дейди бош ҳисобчи Рустамжон Қорабоев. — Мадалиевлар оиласининг 1995 йил апрель ойидан бу ёғидаги 2400 сўм, 1996 йил ҳисобидан 2850 сўм нафақа пуллари турибди. Пул бўлиши билан, албатта берамиз. Лекин корхонамиз ҳисобида ҳозир 50 минг сўмлик дори-дармон ва ўзимиз ишлаб чиқарган маҳсулотларимиз бор. Агар хоҳлашса, пулининг ҳисобига шулардан ҳам беришимиз мумкин.

Бош ҳисобчининг гапларини эшитиб ёқа ушлайсан киши. Бепарволик, масъулиятсизлик ҳам шунчалик бўладими? Кўп болали, ёрдамга муҳтож оилалар нафақа пулига кўз тикиб ўтирса-ю, ўрнига улар ўзининг ўтмай қолган маҳсулотини тиқиштиришса. Бош ҳисобчи аҳволдан бехабардек, ўзини оқлашга тушди:

— Э, аттанг, Мадалиевлр оиласи қийналиб қолганини билмабмизда. Ўзи ҳам ҳисобчиларга учраб, қайтиб кетаверган. Агар менга ёки бошлиқнинг олдига кирганида бир иложини қилиб, ёрдам берардик. Ҳа, майли, ҳали ҳам кеч эмас. Бир ҳафтага қолдирмай, нафақа пуллари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиб беришга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари бир озгина моддий ёрдам ҳам ташкил қиламиз.

Биз бош ҳисобчининг ваъдасига ишондик.

Чортоқ туманидан қайтар эканмиз Собиржон Мадалиев бизга қараб «мана аҳволни кўрдинглар, мен шикоятчи эмасман. Сизлар ҳам раҳбарларимизга ўхшаб, мени шикоятчига чиқариб қўйманглар», дея хайрлашди.

Абдуҳошим МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

TV ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР TV

ДУШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Хоразм наволари». Мусиқий дастур. 9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Тилларанг ришталар жозибаси». 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Бир ўлка-ки...». 10.30 «Жаннат — оналар оёғин остидадир». Публицистик кўрсатув. 11.00 ЎзТВ хазинасидан. Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм. 12.15 Ўзбекистон телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти. 12.45 «Жилолар». Кинодастур. 13.25 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». 14.00 Янгиликлар. 14.05 — 15.30 «Совун ўғрилари». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Эркатой». 18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал. 18.50 Истиқлол одимлари. «Пахта — юрт бойлиги». 19.05 Биржа ва банк хабарлари. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Мозийдан садо». 20.15 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 Дилнавоз садолар. 21.40 «Тадбиркорлар клуби». 22.05 «Морена Клара». Телесериал. 22.50 Дилнавоз садолар. 23.10 «Истеъдод». 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультфейерверк». 18.35 «Палитра». 19.05 «Услуб». Мода янгиликлари. 19.20 «Клип-антракт». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар 19.55 «Камертон». Оҳанглар. 20.10 «Автосалон». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Камертон». Шеърият. 21.10 Оҳанглар ва Эълонлар. 21.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 22.30 «Курьер». 22.50 «Прайм-тайм». 23.00 «Хобби-холл». Қизиқарли дастур. 23.30 — 24.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Акмалнинг янги саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия.

*

Россия жамоат телевиденияси
19.10—21.35

*

21.35 «Мовий қуш». Телефильм.

*

Россия давлат телевиденияси
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар. 22.35 «Янги қурбон». Телесериал. 23.25—23.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевиденияси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси. 18.50 «Мультқарусель». 19.05 Эълонлар. 19.10 «Умид». 19.40 «Шлягер». 19.50 «Жаҳон». Халқаро шарҳ. 20.10 «Душанба». Публицистик кўрсатув. 20.20 «Авторейд». 20.30 Эълонлар. 20.35 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм. 22.05 «Аёл». 22.35 «Спорт-тайм». 23.05 Эълонлар. 23.10 «5+1». 23.40—23.50 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Умид учқунлари». Тележурнал. 8.55 Биржа ва банк хабарлари. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Ҳамласи маҳалладан бошланади». 10.30 Инглиз тили. 11.00 «Санъат сеҳри». 11.30 Футбол шарҳи. 11.45 «Созимиз — овозимиз». Мусиқий дастур. 12.15 ЎзТВ хазинасидан. Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм. 13.25 «Юксалиш йўлида». Публицистик кўрсатув. 14.00 Янгиликлар. 14.05 — 15.35 «Ўғирлик». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Табиатшунослар клуби». 18.30 «Ўргимчак тўри». Телесериал. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Тафаккур». 20.15 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр». 21.40 «Альманах—ТВ». 22.20 «Замон». 22.35 Спорт, спорт, спорт. 22.50 Юртим жамоли. 23.05 Мусиқий саёҳат. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультфейерверк». 18.35 «Тропиканка сири». Телесериал. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Постфактум». 20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «АРТ-журнал». 21.15 «Дойче Вейле» намойиш этади. 21.30 Оҳанглар ва Эълонлар. 22.10 «Кинонигоҳ». 23.50 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Акмалнинг янги саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия.

*

Россия жамоат телевиденияси
7.30—9.00 «Телетонг».

* * *

19.10—21.35

*

21.35 «Опера шинавандаларига». 2-кўрсатув.

*

Россия давлат телевиденияси
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар. 22.35 «Янги қурбон». Телесериал. 23.25—23.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевиденияси.

*

18.45 «Мультқарусель». 19.00 Эълонлар. 19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». 19.20 «Очиқ дарс». 19.45 «Жонли тил». 20.40 «Эсдалик учун дастхат». Ўзбекистон телевидениесининг 40 йиллигига бағишланган кўрсатув. 21.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 22.00 Эълонлар. 22.05 «Солиқлар ҳақида сабоқлар». 22.20 «Озодлик номидан». Америка тарихи. 22.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 23.15 Немис тилида кўрсатув. 23.40 «Жилет-спорт». 00.10 Эълонлар. 00.15—00.25 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Достон қўшиқлари. 8.45 «Қизиқарли учрашувлар». 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 Мусиқий саёҳат. 10.25 Алифбо сабоқлари. 10.55 «Буни умр дерлар». Телеочерк. 11.10 «Альманах-ТВ». 11.50 «Бир чол ёмғир олдига боргани ҳақида». Мультфильм. 12.00 «Сурнай наво-си». Суннатилла Қорабоев. 12.10 «Диққат, тошбақа». Бадиий фильм. 13.30 Ўзбек куйларидан концерт. 14.00 Янгиликлар. 14.05 — 14.35 «Тоғлардек юксак қўшиқ». Адабий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Чамандаги гуллармиз». 18.25 «Бу ёруғ оламда ватан биттадир...». 18.30 «Сўз сизга». Ёшлар учун кўрсатув. 18.40 «Қалбим ардоғида». Ғаниҳон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти. 19.10 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 21.20 15 дақиқа спорт ҳақида. 21.35 Дилнавоз садолар. 21.50 «Автоолам». 22.05 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув. 22.25 «Замон билан ҳамнафас». 22.40 «Морена Клара». Телесериал. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультфейерверк». 18.35 «Табиат дунёси». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Дунё бўйлаб...». 20.10 «Компьютер-Осиё». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Дриблинг». 21.25 Оҳанглар ва Эълонлар. 21.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 22.45 «Дойче Вейле» намойиш этади. 23.15 — 00.15 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Оддий мўъжизалар». Телефильм. 18.40 «Атланта йўлларида». Спорт кўрсатуви.

*

Россия жамоат телевиденияси
7.30—9.00 «Телетонг».

* * *

19.10—21.35

*

21.35 «Шоҳсупа сари йўл».

*

Россия давлат телевиденияси
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар. 22.35 «Янги қурбон». Телесериал. 23.25—23.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевиденияси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак». 18.50 «Мультқарусель». 19.05 «Безнен мирас». 19.35 «Қалб тароналари». 20.00 «Тошкент оқшомлари». 20.30 Эълонлар. 20.35 «Сенинг суҳбатдошинг». 21.05 «Шарқ тафаккури». 21.35 Эълонлар. 21.40 «Мезон». 22.10 «Ташриф ва таклифлар». 22.40 Эълонлар. 22.45 «Тошкентнома». 23.15 «Бу ажиб дунё». 23.35 «Гулдаста». 23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали. 8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 Янги алифбони ўрганамиз. 10.35 А. Орипов. «Сохибқирон». З. М. Бобур номидаги Ўш вилоят мусиқали драма театрининг спектакли. 12.25 «Фильм суратга олинди». Кинокўрсатув. 12.45 «Қўшиқ ёзувчи шоирлар». Маъфура Муҳамедова. 13.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» — «Нурафшон». 14.00 Янгиликлар. 14.05 — 15.05 «Маърифат» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз». 18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал. 18.50 «Аввал иқтисод». 19.05 «Кўзгудаги акс». Фототанлов. 19.20 Дилнавоз садолар. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Юзма-юз». Мулоқот. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.15 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари. 21.40 «Одобнома». 21.55 Дилнавоз садолар. 22.15 Олтин мерос. «Тўмарис». Фильм-балет. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Навбаҳор» (Бухоро). 00.40 Тунги тароналар. 00.55 — 01.05 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк». 9.20 «Хобби-холл». Қизиқарли дастур. 9.50 «Курьер». 10.20 «Прайм-тайм». 10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув. 10.50 «АРТ-журнал». 11.05 «Табиат дунёси». 11.55 «Компьютер-Осиё» 12.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 12.30 — 14.10 Видео — «О».

***

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Мультфейерверк». 18.25 «Тропиканка сири». Телесериал. 19.15 «Сизнинг имконият». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 20.15 Оҳанглар. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Видеогид». 21.25 «Бизнес-уик». 21.40 «Дойче Вейле» оҳанглари ва Эълонлар. 22.20 «Кинонигоҳ». 24.00 — 00.30 «Спорт қитъаси».

III

17.45 Янгиликлар. 17.50 Эълонлар. 17.55 «Моҳир қўллар». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденияси
7.30—9.00 «Телетонг».

* * *

18.20—22.50

*

22.50 «Янги қурбон». Телесериал.

*

Россия давлат телевиденияси
23.40—00.15

*

00.15 Эълонлар. 00.20—00.25 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевиденияси.

*

18.45 «Мультқарусель». 19.00 Эълонлар. 19.05 «Айчурек». 19.35 «Телевидение — менинг ҳаётим». Г. Ирлин. 19.45 Эълонлар. 19.50 «Каталог». 20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 20.55 «02» тўлқинида. 21.10 «Менинг маҳаллам». 21.40 «Эколот-коктейль». 22.10 Эълонлар. 22.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 22.45 «Компьютер-ревю». 23.10 «Океандан океангача». USA-круиз. 23.40 «Эллада». 00.10—00.20 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Кекса санъаткорлар». 8.55 «Юзма-юз». Мулоқот. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Ноу-хоу». Изланиш ва натижалар. 10.25 «Соябон менинг ҳамроҳим». Мультфильм. 10.35 Немис тили. 11.05 «Саҳна ҳаёти». 11.35 «Нозигойим». Бадиий фильм. 13.00 «Ўйла! Изла! Топ!». Телемусобақа. 13.40 «Шаҳар бедарвоза эмас...». 14.00 Янгиликлар. 14.05 — 14.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоалари яккахонларининг концерти.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Митти юлдузлар». 18.30 «Синфдош». 18.50 Бизнес ҳафта якунлари. 19.05 «Йигит омон бўлса...» 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Эртага — шанба». 20.15 Оқшом эртаклари. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.10 «Ривоят». 21.30 Репортаж. 22.00 «Морена Клара». Телесериал. 22.45 «Устоз санъаткор». Халқ артисти Сора Эшонтўраева таваллудининг 85 йиллигига. 23.15 «Хуш келибсиз». 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 «Офарин». 00.20 Тунги тароналар. 00.35 — 00.45 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти». 9.20 «Таманно». 9.30 Мулоҳаза учун мавзу. 9.50 Дилором наволар. 9.55 Видео янгиликлари. 10.10 Видео — «О». 11.50 — 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.10 Эълонлар. 18.15 «Бор эканда, йўқ экан...» 18.35 Кинохроника. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Компьютер-Осиё». 20.15 «Мусиқий йўлка». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Сиздан ишорат». 21.40 «Ракурс». 22.00 «Камолот». 22.20 Хит-парад ва Эълонлар. 23.00 — 23.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар. 17.55 Эълонлар. 18.00 «Олтин яproқлар». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденияси
7.30—9.00 «Телетонг».

* * *

18.20—21.35

*

21.35 «Коинот».

*

Россия давлат телевиденияси
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар. 22.35 «Янги қурбон». Телесериал. 23.25—23.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевиденияси.

*

18.45 «Мультқарусель». 19.00 «Умид чечаклари». 19.30 Эълонлар. 19.35 «Билиб қўйган яхши». 20.00 «Коинот». 20.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 21.00 «Монитор-Азия». 21.30 «Замин саховати». 22.00 Эълонлар. 22.05 «Уй остонадан бошланади». 22.35 «Рангинкамон». 23.05 «Бу бўстон аро». 23.35 Араб эстрадаси. 00.05 Эълонлар. 00.10—00.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур. 9.05 «Эҳкининг шоҳи ўсди». Мультфильм. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.30 «Хабарнома». 10.40 «Мен ёшликман...». Жаҳон ёшлари кунига бағишланади. 11.40 «Атланта-96» қаҳрамонлари». Боксчи Карим Тўлаганов. 12.00 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм. 13.25 — 14.25 «Маънавият» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Совға». 18.20 «Олам». 18.35 «Мактуб». 18.50 «Сиз севган қўшиқ». 19.05 «Ҳайрат». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 20.15 Дилнавоз садолар. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 «Азиз сиймолар». Халқ артисти Асад Исматов. 21.45 Дилнавоз садолар.

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

22.00 «Заковат». 22.10 «Куй ва тасвир». 22.30 «Имкон чўққилари». 22.45 «Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...» 9.20 «Кинохроника». 10.10 «Компьютер-Осиё». 10.30 «Мусиқий йўлка». 10.40 «Сиздан ишорат». 11.20 «Ракурс». 11.40 «Камолот». 12.00 «Кинонигоҳ». 13.40—14.40 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Мультдаста». 18.20 «Жозиба». 18.30 Эълонлар. 18.35 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Олтин кент». 20.05 «Жозиба». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми» Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат». 21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон». 21.35 Оҳанглар ва Эълонлар. 22.15—23.55 Видео — «О».

III

16.55 Дастурнинг очилиши.

*

Россия жамоат телевиденияси
17.00—21.35

*

21.35 «Жонли сайёра».

*

Россия давлат телевиденияси
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар. 22.35 «Мусиқа — ҳамма учун». 23.00 — 23.10 «Қирғовуллар». Телефильм.

IV

9.00 «Шанба эртаги». 10.00 Эълонлар. 10.05 «Комедиантлар». 10.25 «Клип-антракт». 10.30 «Спектаклдан сўнг». 10.55 Эълонлар. 11.00 «Клип-антракт». 11.05 Кинонинг олтин асри. «Графиня Коссель». 2-серия.

*

17.10—18.45 Туркия телевиденияси.

*

18.45 «Мультқарусель». 19.00 «Шанба оқшомида». 19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 20.00 Эълонлар. 20.05 «Олам ва одам». 20.30 «Рақслар қанотида». 21.00 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.05 «Комедиантлар». 21.25 Эълонлар. 21.30 «Беш дақиқа ўзинг учун». 21.35 «Хит-коллекция». 21.50 Эълонлар. 21.55 Кинонинг олтин асри. Луи де Фюнес «Бойларнинг аҳмоқона қиликлари» фильмида. 23.35 «Бу ажиб дунё». 23.50 «Жилет-спорт». 00.20—00.30 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Ташриф». Дам олиш дастури. 11.40 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 15-кўй. 12.20 «Нурли келажак». Видеоканал. 13.20 Ҳайдар Муҳаммад. «Жиноят устида ушлансин». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 14.40—15.10 Эстрада тароналари.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...» 18.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал. 19.05 «Келгуси ҳафтада». 19.15 «Туҳфа». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 «Бир ўлка-ки...» 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ҳафтанома». 21.00 Эълонлар. 21.05 «Буюк келажак сари». 21.25 Илҳом сатрлари. 21.30 Бу мунис лаҳзалар. 21.50 «Шаҳс ва баҳс». 22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 16-кўй. 22.55 Футбол олами. 23.25 Эълонлар. 23.30 «Ҳафтанома». 24.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал. 01.30 Тунги тароналар. 01.40—01.50 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста». 9.20 «Жозиба». 9.30 «Олтин кент». 9.40 «Жозиба». 10.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат». 10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон». 10.35 Видео— «О». 12.15—14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида. 18.05 Эълонлар. 18.10 «Даракчи». 18.20 «Мульти-пульти». 18.45 «Таманно». 18.55 «Дармон». 19.05 Мулоҳаза учун мавзу. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00 Видео янгиликлари. 20.20 Дилором наволар. 20.25 Эълонлар. 20.30 «Ҳафтанома». 21.00 Эълонлар. 21.05 «Мухлис». 21.25 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал. 22.05 Оҳанглар ва Эълонлар. 22.45 Видео — «О». 00.20—00.25 Дастур ниҳояси.

III

18.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия давлат телевиденияси
18.05—19.00

*

19.00 «Бобур». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденияси
19.10—21.45

*

21.45 Ички Ишлар вазирлиги оркестрининг концерти. 22.15 Эълонлар. 22.20—22.45 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!» 9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 9.40 «Эртакларнинг бу сехрли олами». 11.20 Эълонлар. 11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 11.55 «Парле ву франсе?» 12.25 «Жонли сайёра». 12.45 «Афсоналар ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино. 13.25 «Иштирок этувчилар». 13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари. 14.25 Киносалон. «Интиқом куни». Бадиий фильм. 16.25 «Дарвоқе». 16.50 «Сенинг вақтинг». 17.20 «Мультқарусель». 17.35 «Телеташриф». 17.45 Эълонлар. 17.50 «Мусиқий Олимп».

*

18.10—19.45 Туркия телевиденияси.

*

19.45 Эълонлар. 19.50 «Клип-антракт». 20.00 «ТВ IVда етти кун». 20.15 «Биргалашиб куйлайлик». 21.00 «ТВ IV да етти кун». 21.15 «Туризм-ревю». 21.45 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари. 22.15 «Голливуд-рок». Ёшлар учун мусиқий кўрсатув. 22.40 Киносалон. Пьер Ришар «Ўйинчоқ» фильмида.

ФЕРМЕРНИНГ СОВҒАСИ

«Қаҳрамон» деҳқон фермер хўжалиги бир йилдаёқ Навоий туманида тилга тушиб қолди. Бунинг учун фермер Абдулла Жўраев кўп ҳам елиб-югурмади. Одатдаги ишларини бажарди, холос.

А. Жўраев 30 гектар ерда деҳқончилик қилади. Шунинг 12 гектарини пахта, 17 гектарини эса буғдойзор ташкил қилади. Мана шу ер Абдуллажон акани нафақат туман, балки вилоятга ҳам танитди. Фермер янги ўқув йилида хўжалик ҳудудида ишловчи 98 нафар ўқувчи учун А. Навоий номли ўрта мактабнинг филиалини қуриб берди.

Яқинда 4 синф, битта умумий зал, ўқитувчилар хонасидан иборат мактаб биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бундан ташқари таълим даргоҳи янги парта ва бошқа ўқув дастгоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, ўқувчилар ҳар куни бир маҳал бепул овқатлнадилар.

Т. ЭШБОЕВ
«Халқ сўзи» мухбири.

Республика биржа маркази биносининг қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ тугалланганлиги сабабли Тошкент ДСГКИ дирекцияси 1996 йил 1 ноябридан тугатилади.

Эътирозлар эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

TNT PRODUCTION INC.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

CONSUMER EXPO

"Ўзэкспомарказ" 4-5-павильонлар

1996 йил 5-8 ноябрь Тошкент шаҳри

Uzbekistan КЎРГАЗМАДА

ҚУЙИДАГИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЕТАКЧИ ФИРМАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ:

АҚШ	ГЕРМАНИЯ	ФРАНЦИЯ	ИТАЛИЯ
АНГЛИЯ	ИСПАНИЯ	ДАНИЯ	БЕЛЬГИЯ
АВСТРИЯ	ГОЛЛАНДИЯ	ТУРКИЯ	ВЕНГРИЯ
ГРЕЦИЯ	СИНГАПУР	ГОНКОНГ	ЧЕХИЯ
ҲИНДИСТОН	ШВЕЙЦАРИЯ	БАА	ЯПОНИЯ

КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ!

Комфортабелли автобуслар сизларни соат 10.30 дан 17.00 гача ҳар ўттиз дақиқада метронинг "Мустақиллик бекати"ёнидан Ўзэкспомарказга элтиб туради.

Қўшимча ахборот олиш учун қуйидаги телефакс орқали мурожаат қилинг:

7 (3712) 62-97-57.

АСБОБ ВА УСКУНАЛАР СОТАМИЗ:

Газпайванд аппаратлари (жамлама).
Кислород ва пропан редукторлари.
Монтаж тўппончалари, дюбеллари.
Гараж ва бўёқчилик компрессорлари.
Электр пармадастаклар, пармалар, "болгарка"лар, электр арра.
Электр силлиқловчи машинкалар, электр қайроқ.
Отбойка болғалари, бўёқ пуркагичлар.
Кучланишни ўзгартирувчи 36 В, 200 Гц.
Асбоблар йиғмаси, электр рандалар.
Силлиқловчи ва кесувчи халқалар, қумқоғозлар, эговлар.
Бўёқчилик бўёқпультлар, мўйқаламлар, шпателлар.
ПМЕ пускателлари: 1, 2, 3 мегаометрлар.
Электр насослар: "Гном", консолли, мотопомпалар.
Электр юклагичлар: 1 т., 0.5 т.
Брезент енглар, пайвандчи кийимлари.

СОТИБ ОЛАМИЗ:

Кислород шланглари АСП-10 (газпайванд учун).
Ҳаво компрессорлари.
"Гном" насослари (ишламайдигани ҳам).
Монтаж патронлари, перфораторлар.
Катта диаметрли эгилувчан енглар.
Гайка ключлари, зубилалар, ножовкалар, исканжалар.
Электр асбоблар учун трансформаторлар.
Брезент, газмоллар, махсус кийимлар.

Телефонлар: 79-36-02, 72-03-65, 79-36-04, 42-25-39, 65-94-32.

Манзил: метронинг С. Раҳимов бекати, "ВОСТОК" ИИБ (ички тел.: 188).

BAT

BRITISH-AMERICAN TOBACCO
ЎЗБАТ А.Ж. ЎЗБЕК-БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Олий ўқув юртини (1993-1996 йилларда) якунлаганлар ёки студентлар учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

МАХСУС ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- *молия ва бухгалтерия ҳисоботи - /finance and Accounting/*
- *ишлаб чиқариш башқаруви - /Production Management/*
- *савдо ва истеъмол маркетинги - /Trade and Consumer Marketing/*
- *кадрлар башқаруви - /Himan Resources Management/*
- *агрономия - /Agronomy/*
- *ишлаб чиқариш участкалари раҳбарлари - /Production Supervisers/*

Танлов ғолиблари менеджер-стажер сифатида ишга қабул қилинади ва "Бритиш-Американ Тобакко" компаниясининг улкан тизими бўйича 2-йиллик ўқув курсини ўтайди.

Сиз анкетани олгандан сўнг уни тўлдириб,қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:
- Тошкент ш.,Носиров кўчаси,77. Тошкент тамаки фабрикаси.
- Андижон ш,. К. Яшин кўчаси,7. ЎЗБАТ А.Ж. филиали (савдо маркетинги).
- Бухоро ш.,Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси,11. ЎЗБАТ А.Ж. филиали (савдо маркетинги).
- Самарқанд ш.,А. Рўдакий кўчаси,150. Самарқанд тамаки-ферментация заводи.
- Ургут ш.,Навоий шоҳ кўчаси,10. Ургут тамаки-ферментация заводи.
- Фарғона ш.,М. Қосимов кўчаси,31а. ЎЗБАТ А.Ж. филиали (савдо маркетинги).

Танлов асосида саралаб олинган барча номзодлар анкетаси тўлдириб топширилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида суҳбатга таклиф этилади.

Сизнинг келажагингиз ўз қўлингизда!
We challenge you!

Сизга металл керакми?

Россияда пўлат прокат ишлаб чиқарувчи энг йирик корхоналардан бири бўлган "Северсталь" акционерлик жамияти /Череповец металлургия комбинати/

сизнинг хизматингизда.

Қуйидагиларни тўғридан-тўғри етказиб берамиз.

- **навли прокат;**
- **профили эгилган ва профтўшама;**
- **электрпайванд қувурлар (думалоқ, тўғрибурчакли, чўзиқ);**
- **совуқ ва иссиқ ҳолатда ёйиб тахталанган прокат;**
- **сирланган идиш ва мебель.**

Етказиб бериш баҳоси ва шароитлари тўғрисидаги ахборотни ёпиқ турдаги "Азия-Северсталь" акционерлик жамиятининг Марказий Осиё бўйича расмий вакилидан олишингиз мумкин.

Тошкентдаги телефон: 68-33-10.
Самарқанддаги телефон: 22-75-83.
Факс: 22-03-90. Телетайп: 103122 "Шексна".

"БИ-ЭЛ-МОТОРС"

ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ КОРХОНАЛАРДАН БИРИ БИШКЕК ЭЛЕКТР-МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИНИНГ РАСМИЙ ВАКИЛИ.

ДАО, ДАСМ, ДАО-Ц

(кир ювиш машиналари, чанютгичлар учун).

МЕҲНАТ УЛУҒЛАҒАН ОЛИМА

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасига хушхабар келди: «Иқтисод фанлари доктори, профессор Р. Убайдуллаева номзоди «1996 йил Аёли» китобига киритилди. Илмий-ижодий ютуқлари ва жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси учун унга «1996 йилнинг Аёли» рутбаси берилди.

Америка Биография институти.
Ижрочи вице-президент
Ж. М. Эвенс»

Илм кўчасига ҳамма ҳам киравермайди: сабру тоқатли, илмга кўнглини берганларгина унга кирадилар. Илму маърифатнинг олис ва машаққатли довонларини қадамма-қадам, кунма-кун забт этганларгина ўзларини илмга урадилар. Бундай одамлар уй, оила, бола-чақа, кундалик юмушлардан вақт орттириб илмий изланишлар олиб борадилар. Раъно Убайдуллаева билан ҳар гал учрашсам, суҳбатлашсам, унинг тийран кўзларига, лўнда, ихчам сўзларига қараб бу аёл илм учун яралган, дейман. Камгап, вазмин, мулоҳазали олима не-не нуфузли минбарларда маърузалар қилмади, унинг ўнлаб мақола ва рисолалари турли тилларда чоп этилган.

Убайдуллаева илмий-ижодий фаолиятида республикадаги ишчи кучлари ресурсларини теран тадқиқ қилиш, қишлоқ аёлларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари билан изчил шуғулланди. Қийин шароитда меҳнат қилаётган ўзбек аёлининг 70-80 йиллардаги оғир турмуши уни ижтиробга соларди. Ернинг, сувнинг турли кимёвий моддалар билан заҳарланиши, болалар ўлимининг кўпайиши ўзбек халқини ярақон қилди. Бир этак бола билан даладан бери келмай қолган Аёлнинг тақдири Раъно Аҳатовнанинг тилига кўчди. У матбуот орқали «Аёл бўлиш осонми?» деган аччиқ саволни ташлади. Собиқ иттифоқ даврида «Бизда ишсизлар йўқ» деб дунёга бонг урилиб турган бир пайтда — бу хусусда кескин мақолалар билан чиқди.

Замон ўзгарди. Эл ўзига, мол-мулкига эга бўлди. Ўз Президентини сайлади. Остонасигача пахта эккан ўзбек деҳқони энди боғларини, полизларини ҳам кўпайтирадиган бўлди. Етмиш йиллик муаммолар, иztироблар, халқнинг бошидан кечган синовлар, тажрибалар қалқиб сувнинг юзига чиқди: энди мустақил бўлиб ўз дардини ўзи енгиллатиши керак бўлди. Қўли гул ўзбек халқининг меҳнатга ўч билакларига яраша иш жойлари яратиш, ҳунарманд қўлларга дастгоҳлар, ускуналар барпо қилиш масаласи кун тартибига чиқди. Эскирган Меҳнат қонунларини бугунги ҳаётга мослаш, халқнинг тарихий тажрибасига асосланиб янги Меҳнат кодексини яратиш иқтисодчи олимлар зиммасига тушди. Бу мураккаб, масъулиятли меҳнатга у ҳам ўз ҳиссасини қўшди, меҳнатни муҳофаза қилишдаги янги нормативларни ишлашда фаол қатнашди.

Бугунги кунда қишлоқ аёлини, унинг меҳнатини ижтимоий муҳофаза қилиш республика ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Худди шу мавзуда олимамиз бу йил Малайзияда бўлиб ўтган халқаро анжуманда маъруза билан қатнашди.

Дарахт бир жойда кўкаради, деб бежиз айтишмайди. Шу ҳикмат ҳам Раъно хонимнинг меҳнат фаолиятига мос таъриф: Тошкент Молия ва иқтисод институтини тугатган Р. Убайдуллаева ЎзФА Иқтисод Институтида униб ўсди, фан номзоди, фан доктори илмий даражаларини олди, профессор, ЎзФА мухбир аъзоси бўлди. Унинг мартабаси, обрўси, ютуқлари, илм оламидаги эътибори игна билан қудуқ қазигандек тинимсиз меҳнат, сабот-матонат эвазига олган буюк мукофотларидир.

Бугун олтмиш ёш остонасида турган Раъно хон зиёли хонадонда камолга етди.

— Илм олинглар, болаларим, элда азиз бўласизлар, бадавлат бўласизлар. Илм давлатини ҳеч ким тортиб ололмайди. Бировга муҳтож бўлмайсизлар, чироғларим, — дердилар Аҳаджон ота Тошпўлатов фарзандлари Раъно хон, Дилбархон, Қаҳрамон ва Баҳодирга.

Отадан, оналари Ибохон аядан илму ҳикмат, ғўзал фазилатлар мерос қолди уларга. Бу фазлу камолни улар илм йўлига, оқ ювиб, оқ тараган халққа сарфлаётганлари — бахт. Йирик тадқиқотчи олима, фан фидойиси, Ўзбекистон Меҳнат вазири ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раёсати аъзоси Раъно Убайдуллаевани чин маънода қизғин фаолият одами деб биламан.

Ойдин ҲОЖИЕВА.

Мутолаа

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Бундан олтмиш йил муқаддам, «Гулистон» журналининг 1936 йил 7-8-сонида Ойбекнинг «Наъматак» шеъри илк бор матбуот юзини кўрди. Ўша йили Чимён қишлоғининг ямяшил оғушида унинг яна бир туркум гўзал шеърлари майдонга келди. Нафақат Ойбек ижоди, балки умуман XX аср ўзбек шеириятининг гултожларидан бири бўлмиш «Чимён дафтари»нинг яратилганига шу кунларда олтмиш йил тўлмоқда.

«НАФИС ЧАЙҚАЛАДИ БИР ТУП НАЪМАТАК...»

1936 йилнинг ёзида Тошкент атрофидаги хушманзара масканларнинг бири — Чимёнда етти ўтов пайдо бўлди. Бу ўтовларда Ойбек, Ҳамид Олимжон, Элбек, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Усмон Носир ва Темур Фаттоҳдан иборат шоир ва ёзувчилар гуруҳи Пушкин асарларини ўзбек тилига таржима этишга киришди. Улар зиммасига 1937 йили нишонланажак Пушкин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан улуғ рус шоири асарларини ўзбек тилида «сўзлатиш» вазифаси юклатилган эди.

Ойбек ўз чекига тушган «Евгений Онегин» шеърий романини таржима қилар экан, ҳориган кезларда парвардигорнинг назари тушган жаннатмакон бўйлаб мириқиб сайр этди, Чимённинг ипак ҳавосини симириб, табиатнинг фусункор бағрида ўз созини сайратиб юборди. «Табиат манзаралари ғўзал, ҳаво ёқимли, қалин, хушбўй тоғ гуллари, тиниқ тоғ ирмоқлари. Тинимсиз сайраган булбулларни сел бўлиб тинглардик. Булар фикрга, юракка дам берарди», деб эслаган эди у ўша илоҳий завқ ва қўйнам билан тўла кезларни.

Ойбек ана шу сайр дақиқаларидан олган дунё-дунё таассуротларини қоғозга тушириб, ўз лирикасининг беназир даражада гўзал намуналарини яратди. Шу тарзда у ўзбек шеърияти хазинасини ўзининг «Наъматак», «Абадият ва умр», «Юраман, тошади севинчим», «Тоғ сайри», «Ғўзал Чимён» сингари ажойиб шеърий гулдастаси билан бойитди. Бир томондан, Пушкин асарининг шеърий жозибаси ва латофати билан, иккинчи томондан, ўзбек табиатининг сўлим манзараларини кўриб сархush бўлган шоир ўз дилининг нозик торларида ажойиб туйғулар ва руҳий товланмалар шалоласини ўйнатиб юборди.

Мана, унинг қўёш ботиши манзарасидан олган таассуротлари:

Сен ғурубнинг олтин
қўлларидасен,
Табассуминг, Қуёш, сўнар
оҳиста.

Дала ва қирлардан
тиниқлик учар,
Сувлар ойнасига шом қора
суркар,
Хаёлнинг мен сокин
чўлларидамен.

Қуёш, олтининг чўккандай
чўкар севинчим,

Синади ичимда умиднинг
тоси,
Қалбимни йиртади унинг
садоси.
Юпатмас на хаёл,
севги рўёси,
Юрамен, оқшомга сингади
изим.

Бундай нозик туйғулар билан йўғрилган шеърлар шодасини ўқир экансиз, Ойбекнинг бутун вужудини ўраб олган ва ўз гирдобига тортган лирик кечинманинг тиниқлиги, иқоданинг ўта нафис ва ўта назокатли эканлиги сизни маст этади. Бу сатрлардаги ҳар бир сўз, ҳар бир товуш нафақат ғуруб қуйнидаги қуёшнинг кишини ўй-хаёлга толдирувчи, айни пайтда ҳам гўзал, ҳам маъюсона ҳолатини, балки ундан ларзага тушган лирик қаҳрамон қалбининг нозик ҳаракатларини ҳам ифодалайди.

Ойбекнинг бояги хотира-лавҳасида яна бундай сўзлар ҳам бор: «Зериккан ва чарчаган чоғларимизда баланд тоғ чўққиларига чиқиб, сайр этиб кетардик. Ҳайбатли зўр қоялар устида қорлар секин эрир, пастга кичиккичик ирмоқлар шарқираб йўл оларди. Ҳар кун бир-икки дафъа Ўн икки булоқ бошига чиқардим. Севардим ёлғиз кезишларни...»

Ойбек гарчанд бу хотирасида «тинглардик», «кетардик», деб «пушкинчи» қаламкаш биродарларини ҳам кўзда тутиб гапирган эса-да, у ёлғиз сайр этишни севган. Табиатнинг илоҳий гўзаллик билан бурканган гўшаларида ясланиб олиб, ўз ҳисларининг ғунчалаши ва гуллашига имкон берган.

Унинг бир шеъри бундай одди тасвир билан бошланади:

Тепага чиқамен, сойга
тушамен,
Ё гаранг тошларга жим
суянамен,
Ё булоқ бошида бир чўпон
каби
Ясланиб, бир лаҳза ўйга
толамен.

Жўшади булоқнинг қумуш
ёшлари,
Ҳам мунгли, ҳам ширин
жилдиришлари.
Буралиб кўкатлар ичидан
чопар
Узилган марварид
ярқирашлари...

Шоир булоқ бошида бир чўпон каби ясланиб, ўйга толар экан, булоқнинг жўшиши, қумуш кўз ёшлари янглиғ, ҳам мунгли, ҳам ширин ҳолатга киргандек бўлади; кўкатлар орасидан югурган сувнинг товланиши узилган марварид доналаридек порлоқлик касб этади; ўт-ўланлар ва тоғ чечакларидан таралган бўйда гуллар саломи эсгандек туюлади. Хуллас, шоир туйғуси теранлик ва нозикликнинг олий нуқтасига кўтарилиб, у табиатни мутлақо ўзгача, ўта шоирона, тўғрироғи, ойбекона юксакликда идрок этади.

Ойбек Чимён бўйлаб қилган сайрларининг бирида, «ҳайбатто метин қояни ҳам ёриб чиқиши, ёриб чиқибгина қолмай, сават-сават гуллар ижод қилиб, мағрурона туриши шоирни ларзага солади. Кейинчалик унда пайдо бўлган «тошда гул ундириш» ибораси ана шу наъматак билан «учрашув» натижасида туғилган.

Ойбек лирикасининг гўзал намуналаридан бири бўлган «Наъматак» шу тарзда ҳаёт юзини кўрди.

Нафис чайқалади бир туп
наъматак,
Юксакда, шамолнинг
беланчагида.
Қуёшга кўтариб бир сават
оқ гул,
Виқор-ла, ўшшайган қоя
лабида
Нафис чайқалади бир туп
наъматак...

Шеър мактаб курсисидан бизга ёд бўлиб кетган шундай сатрлар билан бошланади. Шоир «тоғлар ҳавосининг ферузаси»да майин товланган наъматакни тасвирлар экан, бундай ёниқ ва тиниқ сатрларни тизади:

Майин рақсига ҳеч
қониқмас кўнгил,
Ваҳший тошларга ҳам у
берар фусун.
Сўнмайди юзида ёрқин
табассум,

Яноқларни тутиб олтин
бўса-чун
Қуёшга тутади бир сават
оқ гул!..

«Чимён дафтари» туркумини ташкил этган барча шеърлар ана шундай ипак билан тўқилган ва илоҳий манзаралар силсиласини ифодалаган каштани эслатади. Ойбек бу туркум шеърларида шеър санъатини мукаммал эгаллаган, ўзбек шеириятини янги ижодий уфқлар сари етаклаган, миллий шеъримизнинг бадиий тили ва шаклий жиҳатларига ажойиб бир тарзда сайқал берган шоир даражасига кўтарилди. Афсуски, орадан бир йил ўтар-ўтмас бошланган 37-йил қуюни лирикани ҳам ўз домига тортди. Ўзбек матбуоти «Наъматак» сингари шеърларни буржуа лирикасининг намунаси, деб эълон қилиб, адабиётимизни улардан тозалашга чақирди. Лирикага қарши бошланган хужум ва хуруж йилларида, бошқа шоирлар қатори, Ойбек ҳам гражданлик лирикаси деб аталган плакатнамо шеърлар ёзишга мажбур бўлди. Лекин 60-йилларда бошланган тозариш фаслида у яна соф лирикага қайтиб, ижод булоғидан отилиб чиққан шеърлари билан шеъриятимизни яна олға етаклади.

Бугун, орадан олтмиш йил ўтгандан кейин ҳам Ойбекнинг Чимён илҳоми билан йўғрилган шеърларини ўқир экан-миз, улардаги туйғунинг шабнамдек тиниқлиги ва порлоқлиги, ифоданинг майинлиги ва нафислиги, поэтик образнинг кутилмаган даражада гўзаллиги, поэтик манзаранинг рангинлиги ва тилнинг ширадорлиги бизни мафтун этади. Олтмиш ёшга кирган «Наъматак»нинг ҳали ҳам баҳорий уфор билан тўлалигидан ҳайратга тушамиз.

Ойбек «Чимён дафтари» билан ўзбек лирикасидаги табиат талқинини янги изга солиб юборди. Лирик туйғунинг олмос қирраларидек ўткир ва тиниқ бўлиши мумкинлигини исбот қилиб берди. Янги ўзбек лирикасининг бадиий тилини яратишда Чўлпон анъаналарини янги босқичга олиб чиқди. Унинг ана шу йўналишдаги ижодий изланишларини Ҳамид Олимжон сингари дўстлари ва кейинги авлод вакиллари муваффақият билан давом эттирдилар.

Наим КАРИМОВ.

ТОПИШМОҚ

Бирор шнурнинг шундай бир бўлагини кесиб олиш керакки, кесиб олинган қисми у шнурнинг қолган бўлагидан 1 марта кичик бўлсин. Ҳосил бўлган бўлаклар шнурнинг қандай бўлагини ташкил қилади?

«Антиқа» конкурс

Ҳурматли муштарийлар, мана шу сувратларнинг ҳар бирига ўзингиз тагсўз юборсангиз.



Хотини эридан сўраяпти:

— Нега қўшнимиз билан шоҳмот ўйнамай қўйдинг?

— Ҳадеб ғирромлик қиладиган, ютқазса жанжал кўтарадиган одам билан сен ўйнармидинг?

— Йўқ, албатта.

— Қўшнимиз ҳам ўйнамай қўйди.

* * *

Сартарошхонада бир кал одам соч олдириб бўлиб, дейди:

— Уста! Кўриб турибсиз, сочимиз йўқ даражада. Ҳақини ярим оласиз-да.

— Йўқ, сиз икки баравар тўлайсиз.

— Нега энди?

— Бошингиздан сочни қидириб топиш машаққати-чи?

* * *

Врач бемордан сўрайди:

— Берган дорим яхши кор қилдими?

— Жуда яхши асқотди. Ўғлим ичиб, йўтали қолди. Шу дори сабаб, мен орқамнинг оғриғидан қутулдим. Қолганига хотиним деразани ювди.

* * *

Қурилишга текширувчи келипти. Қараса, бир ишчи ҳадеб қуруқ аравачасини шалдиратиб у ёққа, бу ёққа югуриб ўтармиш. Уни тўхтатиб сўрапти:

— Нега бўш арава билан югуриб юрибсан?

— Э—э, сўраманг, ҳозир ишимиз суръати шунақа тезлашганки, қоришма солишга ҳам вақт йўқ.

* * *

Эр хотини билан уришиб қолди. Ғазаб ичида жомаданга иккита-учта кўйлакни улоқтирди-да, қичқирди:

— Кетаман! Олисларга, ёввойилар оролига кетаман. Сен билан бир уйда тургандан кўра, ҳар куни жонимни хатарга қўйиб бўлса-да, одамхўрлар билан бирга яшаганим яхши!

У эшикни қарсиллатиб ёпиб, чиқиб кетади, лекин бир неча дақиқадан сўнг қайтиб киради:

— Омадинг бор экан, хотин. Кўчада ёмғир ёғяпти.

Ислом мамлакатларида эрхотиннинг аёл киши ташаббуси билан ажрашиши анча мушкул иш. Лекин, қувайтлик бир аёл турмуш ўртоғидан ажратишларини сўраб судга мурожаат қилди ва унинг истаги қондирилди.

Суд маҳкамаси томонидан аёл кишининг шикояти қабул қилингани ҳам бежиз эмас. Гап шундаки, шикоятномада турмуш ўртоғи билан етти йилдан буён бирга яшаб келаётган аёл «бундан буён бокира ҳолда яшашга асло тоқати қолмагани» ва шу муносабат билан ажралишга қарор қилганини баён этган.

* * *

Хитойлик олимлар 2600 йиллик гуруч ва қунжутни экиб кўриб ўзлари ҳайрон қолишди. Чунки тез орада гуруч ҳам, қунжут ҳам ўсиб чиқди.

Хитой ахборот маҳкамаларининг хабар беришича, бир деҳқоннинг тасодифан топиб олган кўзасидан қунжут билан гуруч чиққан. Олимлар кўзанинг ёши 2600 да эканини тезда аниқладилар. Лекин, барча биологик қонунларга кўра, ҳар қандай дон маҳсулоти узоғи билан 100 йил сақланиб туради. Кўзада сақланиб қолган уруғлар эса бутун ҳаёт қонунларини инкор қилиб, олимларнинг бошини қотириб қўйди.

* * *

Англиялик олимлар замонавий самолётларга ўрнатиладиган «қора яшик»ни инсон танасига ўрнатиш устида тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бир қарашда ақлга сиғмайдиган бу тажрибалар муваффақиятли ўтса, одамнинг кўзига митти микросхема ўрнатилиб, унинг «бешикдан қабргача» ҳаётини қайд қилиб бориш мумкин бўлади.

Бироз хаёлотга ўхшайдиган бу тадқиқот устида иш олиб бораётган «Бритиш телеком» корпорациясининг сунъий ҳаёт яратиш бўлими бошлиги Крис Винтернинг таъкидлашича, микросхемани ишлаб чиқариш том маънода абадий ҳаёт эрасининг бошланиши бўлади.

Электрон мўъжиза яқин 25-30 йил ичида тўлиқ ўрганилиб, ишлаб чиқарила бошлайди.

КРОССВОРД-МУАММОНОМА



Қуйида таърифланган сўзлар тўрт харфли бўлиб, шаклда бир хилдаги ҳарфлар билан кесишади.

I. Марказ томон ўнгга: 1. Кимёвий модданинг энг кичик заррраси. 2. Судралиб юрувчи жонивор. 3. Франциядаги порт шаҳар, Рона департаментининг маъмурий маркази. 4. Фарғона водийсини жануб томонидан ўраб турувчи тоғ тизмаси. 5. Ҳамид Олимжон поэмаси қаҳрамони. 6. Қадимий деҳқончилик қуроли. 7. Марказий Осиёдаги денгиз. 8. Тошкент вилоятидаги дарё, Чирчиқ ирмоғи. 9. Миллий ўйин, чавандозлик мусобақаси. 10. Жанубий-ғарбий Осиёдаги давлат. 11. Ҳарбий аслаҳа. 12. Юқумсизлантирувчи восита сифатида ишлатиладиган кимёвий модда. 13. Ҳарбий денгиз кемаларининг йирик қўшилмаси. 14. Шифобахш, серэт жануб ўсимлиги. 15. «Шашмақом» таркибига кирувчи мақомлардан бири. 16. Ўткир тиғли, қишлоқ хўжалик асбоби. 17. Хамирли, суюқ таом.

Марказ томон чапга: 1. Мусбат зарядланган электрод. 2. Бадиий ёки илмий асар яратиш билан шуғулланиш. 3. Ҳинди-хитой ҳудудида жойлашган мамлакат. 4. Мақол: «... бозорда сотилмас». 5. Кислороднинг бир ҳолати, ўзига хос ҳиди бўлган газ. 6. Ўзбек халқ рақс куйи. 7. Ўз эрки, ўз қўлида бўлган киши. 8. Куй оҳанги ва шунга мос бўлган «Шашмақом» рақс куйларидан бири. 9. Ноннинг майда бўлаги. 10. Қадимги юнон масалнависи. 11. Экин майдонини қишки суғориш. 12. Кумушсимон тусли, қаттиқ қотишмалар тайёрлашда ишлатиладиган металл. 13. Ўткир ҳидли газ модда. 14. Нарсанинг барча қисмларини тутиб турувчи бўлаги. 15. Сўз ёки воқеа-ҳодисага бериладиган шарҳ. 16. Кўчманчи чорвадорлар уйи. 17. Миниб юриладиган жониворлар мажмуи.

II. МУАММОНОМА

Аввал қуйида яширинган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Мақол: «Доно дурдан — 2, 14, 7, 11».
2. Табиий фанлардан бири — 16, 1, 9, 13.
3. Маълум вазн ва қофияли бадиий асар — 4, 17, 14, 12.
4. Ўн олти килограммга тенг оғирлик улчови — 18, 5, 3.
5. Ироқдаги порт шаҳар — 6, 2, 15, 12, 2.
6. Кун чиқиш пайти — 19, 11, 8, 10.

Энди жавоблар асосида шакл атрофидаги ҳарфларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан аён бўладиган икки мисра ҳикмат шарқнинг мумтоз, мутаффакир шоири Абулқосим Фирдавсий қаламига мансуб.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 12 ОКТЯБРЬ СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН «МАНСУБА—БОШҚОТИРМА»НИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Ботвинник. 7. «Селтик». 9. Санчес. 10. Иннис. 11. Хёнес. 12. Салас. 14. «Норин». 16. Аброр. 18. Рим. 19. Веа. 20. Ассад. 22. Лемье. 24. Виало. 29. Ансат. 30. Аморо. 31. Киморш. 32. Бренер. 33. Андрианов.

БЎЙИГА: 1. «Бетис». 2. Токио. 3. Насси. 4. «Кенас». 5. Бернар. 6. Келлер. 8. Юнг. 11. Хонхўжаев. 13. Стронгест. 15. Игита. 17. Бреме. 21. «Славия». 23. Мустер. 25. Окоча. 26. Рашид. 27. Лоу. 28. Бобан. 29. Агеев.

ГАЗЕТАНИНГ 19 ОКТЯБРЬ СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН АЙЛАНМА КРОССВОРД ВА МУАММОНОМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

I. Белгиланган ҳонадан соат мили айланиши бўйича: 1. Тарагай. 2. Жабборов. 6. Кўксарой. 7. Клавихо. 8. Машварат. 9. Яссавий. 10. Султония. 11. Суюрғол. 12. Сабзавор. 13. Арабшоҳ. 14. Қандаҳор. 15. Кўрагон. 16. Қосимбек. 17. «Самария». 18. Журжоний. 19. Хуросон. 20. Бадахшон. 21. Каримов. 22. Тойбодий.

II. Шакл атрофида: «Рости-рости» ўқилади. Мазмуни: «Ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан».

III. МУАММОНОМА

ОЧҚИЧ: 1. Форс. 2. Қайсар. 3. Гулшани. 4. Навкар. 5. Адолат.

ҲИКМАТ: Давлат — лашкару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла қудратлидир.

МАНСУБА

ЕЧИМИ: 1. Фq5 Рa6 2. Фd2! Рa3 3. Фf4 Рa5 4. Фh6 ва ютуқ. Агар 2... Рc6 бўлса у ҳолда 3. Фb4 ва ютуқ.

МАНСУБА



МАСАЛА: 2 юришда мот.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев.
Навбатчи — О. Турақулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Режапов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0644 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6